ФАЛСАФА

Р. Баҳодиров

“Мафотиҳ ал-улум” асарида фалсафа ва мантиқ

Марказий Осиёда X асрда яшаб ижод этган кенг билимли пешқадам олимлардан бири “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмлар калитлари”) [1] асарининг муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Йусуф ал-Хоразмийдир. У ҳақидаги маълумотлар жуда кам бўлиб, фақатгина унинг ёшлиги Хоразмнинг, асосан, Хива, Замахшар ва Қиёт шаҳарларида ўтганлиги, яъни ўша ерларда туғилгани, яшагани, билим олгани ва кўпгина илм соҳаларида катта муваффақиятларга эришгани маълум.

У Нишопурда 977–982 йиллар мобайнида Сомонийлар подшоҳи Нуҳ II нинг вазири Абул Ҳасан ал-Утбий қўлида котиб бўлиб ишлаган вақтида катта шуҳратга эришди ва шу боис “ал-котиб ал-Хоразмий” номи билан ҳам машҳур бўлди. Ўз хизмати юзасидан тез-тез Бухорога бориб турган аллома у ерда Сомонийларнинг бой кутубхонасидан фойдаланган ҳамда ўз даврининг кўпгина олимлари билан танишиб, мулоқотда бўлган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий 997 йилда вафот этган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бизгача етиб келган ягона маълум асари “Мафотиҳ ал-улум” [2] кўпчилик асарлар сингари ўз даврининг илм тили – араб тилида битилган. Унинг мазкур асари илмлар таснифи бўйича X асрда ёзилган муҳим манбалардан бири бўлиши билан бир қаторда ўша давр фалсафаси ва мантиғига оид муҳим манба ҳисобланади.

Ал-Хоразмий “Мафотиҳ ал-улум”га кириш қисмида “... мен бу асарни (“Мафотиҳ ал-улум”ни – Р.Б.) икки қисмдан иборат қилиб тузdим. Биринчи

[1] Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, унинг асари ва фалсафий қарашлари ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: [11, 7, 6, 8, 3, 1: 93–99, 5: 8–33, 9: 98–129, 10: 338–356].

[2] Ван Флотен бу асарнинг беш қўлёзма нусхасини солиштириб, 1895 йилда унинг матнини ўз шарҳлари билан нашр эттирган. Қаранг: [12].

қисмини шариат ва у билан боғлиқ араб илмларига, иккинчи қисмини эса араб бўлмаган, яъни юнон ва бошқа халқлар илмларига бағишладим" [12: 4] – дейди.

Унинг биринчи анъанавий "араб илмлари" қисми фиқҳ, калом, грамматика (сарф ва наҳв), иш юргизиш, шеър ва аруз ҳамда тарихни ўз ичига олган бўлса, иккинчи қисмига фалсафа, мантиқ, тиббиёт, арифметика, ҳандаса, илм ан-нужум, мусиқа, механика ва кимё илми киритилган. Икки қисмдан иборат асардаги ўн беш илм тўқсон уч бобда баён этилган.

Бизнинг ёритмоқчи бўлган мавзуимиз, зикр этилганидек, асарнинг иккинчи қисмидаги биринчи икки илмни ташкил этади.

"Араб бўлмаган" илмлар қаторида биринчи бўлиб фалсафа қайд этилиб, унда ушбу илм атамаларининг шарҳи билан бир қаторда илмлар таснифи масаласи ёритилган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, худди юнон олимлари каби, фалсафани назарий ва амалийга бўлади ҳамда уни "араб бўлмаган" илмлар қаторида зикр этади. Фалсафанинг бу икки бўлагининг ҳар бири ўз навбатида учга бўлинади. Назарий фалсафада бу табииёт, риёзиёт ва илоҳиёт, амалий фалсафада эса ахлоқ, уй юргизиш ва сиёсатдир. Мантиқ олим томонидан, гарчи ўзи алоҳида кўриб ўтилса-да, назарий фалсафа бўлимида зикр этилади. Шундай қилиб, анъанавий бўлмаган, яъни "араб бўлмаган" илмлар сирасига биринчи навбатда *фалсафа* киритилган. Мазкур бўлимнинг "Фалсафа қисмлари ва унинг синфлари ҳақида" деб аталувчи биринчи бобида перипатетикларнинг кўзга кўринган намояндалари фикрлари акс этган илмлар таснифи ва унинг асосий қонун-қоидалари берилган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийда ҳам Аристотель (мил. авв. 384–322)даги каби фалсафа назарий ва амалий қисмларга бўлинади. Назарий қисм ҳам ўз навбатида учга: табииёт, риёзиёт, илоҳиётга ажратилади. Бундай бўлиниш асосида материя ва шакл муносабати ётади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий таъкидича, табииёт "элемент ва модда [материя]га эга бўлган нарсаларни ўрганади" [12: 132]. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз таснифига, Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий (801–866)дан фарқли ўлароқ, у илм деб ҳисоблаган ва физиканинг иккинчи – моддага муҳтож бўлмаган, аммо гоҳо у билан бирга бўлган нарсаларни ўрганувчи қисмига киритган уйқу ва бедорлик, ҳаётнинг узун ва қисқалигини киритмайди.

Риёзиёт илмлари ўрганувчи мавзу, аллома таърифича, "материяда мавжуд бўлган [нарсалар]" [12: 132] объектив борликдаги нарсаларга хос миқдорлар, шакллар, ҳажмлардир. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий риёзиётни "худди олий илм – илоҳиёт ва қуйи илм – табииёт орасидаги ўртанча илмдек" [12: 132] ҳисоблайди. Риёзиёт, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий

фикрича, “тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчиси арифметика илми, яъни сон ва ҳисоб илмидир, иккинчиси геометрия, яъни ҳандаса илми, учинчиси астрономия, яъни илми нужум ва тўртинчиси мусиқа илми, яъни куй (оҳанг, мелодия, наво) илмидир” [12: 133]. Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий ҳам назарий фалсафани мантиқ, риёзиёт, табииёт ва илоҳиётга бўлиб, моддий олам асоси унинг асосий аломати: сон ва сифатни ўрганиш орқалигина тушунилади ва шунинг учун барча илмлар ўзагини риёзиёт ташкил этади деган фикрни олға суради.

Назарий фалсафанинг бир қисми бўлган метафизика Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийда “олий илоҳиёт илми” деб номланиб, “элемент ва материядан ташқарида бўлган нарсаларни ўрганади” [12: 132]. Бу илм “бўлак ва қисмларга бўлинмайди” [12: 133]. “Мафотиҳ ал-улум” муаллифи фикрича, бу илм материя билан боғлиқ бўлмагани, яъни инсон томонидан умумлаштириш жараёнида объектив борлиқ моҳиятлари ва умумий хусусиятларидан четда яратилган “ақл”, “руҳ”, “табиат” каби энг умумий тушунча ва категорияларни ўрганади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийда мантиқ, гарчи ўзи алоҳида кўриб ўтилса-да, назарий фалсафа бўлимида зикр этилади. Бу ҳақида муаллифнинг ўзи “аммо мантиқнинг ўзи бир илм, унинг бўлаклари кўп [шунинг учун] мен уларни ўз бўлимида зикр қилдим”, [12: 132] – деб ёзади.

Фалсафанинг амалий қисмида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий “одам ўзини бошқариши”, яъни этика, “уйни бошқариш”, яъни уйшунослик ва “жамоатни бошқариш”, яъни сиёсатни кўриб ўтади ҳамда уларни “шу мутахассислик билан шуғулланувчилар масаласидир”, [12: 132–133] – дейди.

“Мафотиҳ ал-улум”да илмлар таснифи ҳар бир илмнинг асосини аниқлаш ҳамда уларнинг асосий атамаларини қисқа ва аниқ баён этиш билан бирга олиб борилади. Бу ерда, биз зикр этганимиздек, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз таснифида, ўша давр анъанаси, яъни илмларни иккига бўлишни қўллаб-қувватлаб, уни шаръий ва фалсафий илмларга ажратади.

Кўриб ўтган таснифнинг иккинчи қисмида, яъни “араб бўлмаган” илмларни баён этишда муаллиф фалсафани назарий ва амалийга бўлади. Назарий фалсафанинг қисмларини ажратишда, таснифда кўриб турганимиздек, аввал табиий, сўнгра риёзиёт ва илоҳиёт илмлари ва охирида эса алоҳида мантиқ келади. Аммо илмларнинг ўзини баён этишда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий “араб бўлмаган” илмларнинг бошқа ажойиброқ баёнини тақдим этади ва асарнинг иккинчи қисмини қуйидаги тартибда жойлаштириб, унда аввал фалсафа ва мантиқ, сўнгра тиббиёт, арифметика, ҳандаса, илми нужум, мусиқа, механика ҳамда алкимиё келади.

Баён этилганлардан Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарининг тузилиши ва ундаги тасниф орасида маълум фарқ борлиги намоён бўлади.

“Мафотиҳ ал-улум”да фалсафий масалалар “Олий илоҳий илмнинг атамалари ҳақида”, “Фалсафа ва фалсафий китобларда кўп учраб турадиган сўзлар ҳақида” бобларида кўриб чиқилади.

Ўрта аср Шарқининг кўпгина файласуфлари каби Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий учун ҳам Арастотелнинг фалсафаси асосий дастур эди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий борлиқни зарурий ва мумкин бўлганга бўлиб, Абу Наср ал-Форобий (873–950) сингари худони объектив моддий олам билан бир вақтда биринчи сабаб сифатида мавжудлигини тан олиб, табиатни мумкин бўлган борлиқ эканлиги ҳамда унинг муайян қонунлар асосида ривожланиши, яъни мустақиллигини таъкидлайди. Зарурий борлиқ тушунчаси маъносида Аллоҳни тушунади.

Фалсафий атамаларни шарҳлашда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз даври перипатетик фалсафаси ютуқларини умумлаштиради. Ҳар бир нарсани материя ва шакл бирлиги сифатида кўриб чиқаётган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий материяни шакл қабул қила оладиган субстанция, шакл тушунчасини эса материя қабул қилаётган образ, кўриниш деб тушунтиради. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фикрича, ер юзи, юлдузлар, тўрт элемент асосида ётувчи бирламчи материя умуман моддийликнинг асосидир. Нарсаларда бирламчи материя ва шакл аниқ бирлигини таъкидлаб, “Жисм бирламчи материя ва шаклдан иборатдир: шаклдан ажралган материя фақат хаёлдагина борлиққа эга”,– деб ёзади [12: 136].

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий нарсаларни икки хилга ажратади: элементлар, яъни бирламчи элементлар ва ясама, мураккаб жисмлар. У моддий олам асосини ташкил этувчи бўлаклар орасида қандайдир қатъий чегара борлигини инкор этади ва тўрт моддий элементлар бир-бирига айланишини тан олади. Дунёдаги ҳар бир ҳодиса ўзининг аниқ жойи ва мавжудлик замонига эга бўлиб, унинг ўзгариши эса табиий қонуният билан боғлиқдир. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, калом аҳли каби, нарсаларнинг ўзгаришини илоҳий қувватга боғлаб қўймайди, у бу ҳодисани табиат қонуниятлари сабабидир, деб тушунтиради. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фикрича, ҳар бир ҳодиса учун маълум сабаб ва макон бўлиб, бу ҳодиса ундан ташқарида бўлиши мумкин эмас.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий моддий борлиқ мавжудлигининг асосий шакллари макон ва замон эканлигини тан олади. У, шунингдек, ҳаракат билан материя орасида узвий алоқа борлигини ҳам тан олади. “Замон – ҳаракат билан белгиланувчи муддатдир, масалан, фалаклар ва бошқа ҳаракатланувчи нарсалар ҳаракати” [12: 137].

У объектив олам чексизлигини тан олиш билан бирга баъзи бир файласуфлар (масалан, Демокрит – Р.Б.) таъкидлаганидек, бўшлиқ борлигини инкор этади. Аммо у ўша давр араб тилида ижод этган ўрта аср фалсафа намояндалари орасида кенг тарқалган фикр, яъни моддий бўлмаган асослар: ақл, нафс ва бошқаларни тан олади. “Нафс” тушунчаси талқинида “Мафотиҳ ал-улум” муаллифи платонизмнинг асосий фикрларини, аниқроқ айтганда, қандайдир умумий моҳиятлар олами борлигини танқид қилади. Бу масалада у ўз даври дин аҳли фикрига ҳам қўшилмайди.

“Ақл” тушунчасини талқин қилишда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий “фаол ақл”, “моддий ақл”, “орттирилган ақл”[1] тушунчаларга изоҳ беради. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий “орттирилган ақл”ни инсон фаолияти ва билиш ҳаракатлари натижаси сифатида тавсифлайди.

Олим талқинида ақл ва унинг хиллари, бир томондан, худди худонинг оламни бошқариш вазифасини бажаришни, иккинчи томондан, табиий оламда мавжудликни ва у олам билан янада яқинроқ алоқада бўлишни ўзига олади. “Табиат – бу табиий оламдаги ҳар бир нарсани бошқарувчи кучдир. Табиий олам – Ой фалаги остидан то Ер марказигача бўлган борлиқ [дунё]” [12: 136].

“Мафотиҳ ал-улум” муаллифи ўша даврнинг муҳим масалаларидан бири – жисмларнинг чексиз бўлиниши ҳақидаги фикрни борлиқ ўз навбатида пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши мумкин эмаслигини исботлади. Муаллиф унинг “абстракт” (мавҳум) бўлиниши мумкинлигини таъкидлаб, уни “концептуал бўлиниш”, яъни фараз қилинадиган бўлиниш, дейди.

У конкрет, моддий бўлиниш ҳақида фикр юритиб, “Табиий, яъни моддий бўлинишнинг ниҳояси бор, чунки бўлинаётган нарса табиатан энг кичик ҳолатгача бўлинади. У, файласуфлар айтганидек, ҳиссий идрок этиш учун жуда нозиклик қилади”– деб ёзади [12: 138].

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг бу хулосаси антик давр мутафаккирлари Левкипп (милод. авв. 500–440) ва Демокрит (милод. авв. 460–360) илгари сурган – нарсаларнинг бўлинмас заррачалари – атомлар ҳақидаги фараз, яъни атомистик таълимот тарафдори эканлигидан далолатдир.

Перипатетизмнинг Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий дунёқарашига таъсири уни билишда материализмга яқин келиб, билишни объектив ҳақиқат инъикоси сифатида талқин қилишида, яъни унинг гносеологик қарашида ҳам кўринади. Аристотель сингари Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам

[1] Ақл тушунчасининг бу хиллари Абу Наср ал-Форобий, Абу Али ибн Сино ва бошқа перипатетик фалсафа намояндалари асарларида кенг қўлланилган.

билишнинг биринчи манбаи сезги, яъни ҳис ва идрок деб ҳисоблайди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг гносеологик таълимоти бошқа араб тилида ижод қилган файласуфлар каби нафсни субстанция (вужудга келтирилган нарса – Р.Б.) деб ҳисоблайдиган инсон нафси таълимоти билан чамбарчас боғлиқ. Аристотель сингари Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам уч хил – табиий, ҳайвоний ва нафсоний (шахсий) руҳ борлигини таъкидлайди.

Олимнинг объектив ҳақиқатни сезишдаги ҳиссий туйғуларни тушунишга идеалистик ёндашишига қарамай, унинг дунёқарашида материалистик томонлари ҳам кўп эди. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг илмнинг кўп жабҳаларида кенг билими бу масалани тушунишда объектив ёндашишига ёрдам берди. Унинг тиббиёт, одам анатомияси ва физиологияси соҳасидаги билимлари ҳиссий идрокнинг моддий асосларини қидириш имконини берди. Унинг таъкидлашича, “Нафсоний (шахсий) руҳ – у мияда бўлиб, ундан бадан аъзоларига асаб орқали тарқалади” [12: 139].

Ўрта аср Шарқ перипатетиклари билишнинг бошқа манбасини ақл дейишади ва уни иккига: туғма ва орттирилган ақлга ажратишади. Инсон руҳининг кучларидан бири ақл ҳисоблаган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам уни, юқорида зикр этганимиздек, уч хилга бўлади. Унинг гносеологик назариясида биз мусулмон диндорлари асосий ва билишнинг анъанавий воситаси деб деб ҳисоблаган Қуръон, Суннат ва бошқаларга мурожаатни учратмаймиз. Бу масалаларга унда алоҳида бўлим – калом илми бағишланган.

Қадимги Шарқ ва Антик Юнон мутафаккирлари асарларига асосланган араб тилида ижод қилган тадқиқотчилар бошқа илмлар билан бирга мантиқни ҳам ўргандилар, ривожлантирдилар. Мантиқни ўрганишга бўлган талабнинг ошишига, бир томондан, билишнинг оқилона усуллари тарқалиши ва, иккинчидан, араб тилига таржима қилинган юнон илмларига қизиқишнинг кучайиши сабаб бўлди. Ўша даврнинг кўзга кўринган мантиқшунослари Ибн Баҳром Абу Довуд Сулаймон ас-Сижистоний (817–880), Абу Бишр Матта (870–940), Абу Наср ал-Форобий, Исҳоқ ибн Сулаймон ал-Исроилий (875–932), Абу Али ибн Сино (980–1037), Абулҳасан ибн Марзубон Баҳманёр (ваф. 1067), Ибн Рушд (1126–1198) ва бошқалар Аристотель, Платон (милод. авв. 427–347), Порфирий (233–304) асарларини ўрганди, таржима қилди ва уларга шарҳлар ёздилар. Мазкур олимлар сирасида Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий еттинчи ўринда зикр этилади.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўзининг назарий илмлар таркибида ҳар қандай тафаккур, илмий билимнинг зарурий ибтидоси сифатида акс этган *мантиқ* масалаларини ҳам ўрганади. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий

мантиқнинг роли ва масалалари ҳақида фикр юритиб, мантиқ на назарий ва на амалий илмларга кирмасдан, алоҳида, қандайдир учинчи қисмни ташкил этади, деган нуқтаи назарни илгари сургани Абу Али ибн Сино (980–1037)нинг ана шу масалага ёндашишига мос тушади.

Аристотелнинг мантиққа оид китоблари шарҳи Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарининг мантиқ бўлимида ўз аксини топган. Унда муаллиф Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиёдаги ушбу илм ҳақидаги маълумотлар, олдинга сурилган ажойиб ғоялардан фойдаланиб, уларни янада бойитган. Муаллиф фикрича, мантиққа кириш сифатида “Исоғучи”ни баён этиш, яъни у Аристотелнинг “Категориялар” асаридаги масалалардан олдин келиши керак. “Исоғучи – бу кириш, юнон тилида “Эйсагоге” дейилади” [12: 141].

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқнинг ўзига хос ўрни унинг Аристотель ғоясини давом эттириб, аниқ нарсаларнинг хоссаларини белгилаш учун “индивид” тушунчасини киритганида. У “Ихвон ас-Сафо” ғоясини ривожлантириб ва уни Аристотель фалсафий тизими руҳига яқинлаштириб, индивид масаласини биринчи ўринга олиб чиқади ва “индивид мантиқ аҳлида у: Зайд, Амр, бу одам каби [маъноларни англатади]...”, яъни ягона моҳият деб таъкидлайди [12: 141].

Худди шу ерда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий араб фалсафасидаги, бир томондан, ақл билан тушуниладиган бирламчи, яъни кўпгина объектив бир хил предметлар учун умумий бўлган тушунчаларни, иккинчи томондан, ақл билан тушуниладиган бирламчиларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи тушунчаларни шарҳлайди. Масалан: “кўриниш”, “тур”. “Тур – бу кўринишга нисбатан умумийроқ хусусиятга эга бўлган нарса, худди “тирик” [сўзи] “инсон”, “от”, “эшак” [тушунчасига] қараганда умумийроқдир” [12: 141].

Олим, ўз навбатида, категорияларга бўлинувчи умумий тушунчаларни икки хилга ажратади. “Мафотиҳ ал-улум” муаллифи нарсанинг моҳиятини очувчи “таъриф” – “ҳадд” масаласига алоҳида эътибор беради. Масалан, “Инсон – бу онгли ҳайвондир” [12: 142]. Бу таъриф ҳақиқий таъриф бўлиб, биздан холи ташқи оламдаги предметлар моҳиятини акс эттиради.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқ масалаларини кўриб чиқишни – биринчи бобда – сўз ва ибораларнинг ўзаро муносабатини баён этишдан бошлайди. Ўрта аср Шарқ муаллифлари мантиқда сўзларнинг маъно англатишининг уч турини, яъни сўз ўзининг тўлиқ мазмунини англатиши, сўз ўз мазмунининг бир қисмини англатиши, сўз ўз мазмунидан келиб чиқадиган нарсани англатишини фарқлар эдилар. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бу турлар ва уларнинг мантиқий тушунчалардаги маънолари хусусида муфассал тўхтаб ўтади. Шу билан олим Яқин Шарқ мантиқ аҳли илгари сурган ва тушунчалар

ҳақидаги таълимотнинг кириш қисми деб ҳисобланган маъно англатиш таълимотини давом эттиради.

Шарқ муаллифлари, шунингдек, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам, маъно англатиш ва сўзлар маъноси масаласи мантиққа тегишли бўлмай, кўпроқ амалиётга тааллуқли эканлигини тан оладилар. Бироқ иборалар, маънолар ва тушунчалар ҳақидаги масала Аристотель томонидан етарли даражада ишланган бўлгани учун, Шарқ олимлари бу масалани кўриб ўтишни Аристотель "Категориялар"ининг кириш қисмига қўшишни лозим топдилар. Масалан, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий грамматик ва мантиқий категорияларни солиштириб қуйидагича ёзади:

"Субстрат [1] – бу грамматиклар айтганидек, [исмий гапдаги] эга деб айтиладиган ҳамда хабарни [кесимни] талаб қилувчи, яъни тавсифланувчи нарсадир (от билан ифодаланган эгадир – Р.Б.). Предикат [2] – буни улар [грамматиклар] исмий гапдаги эганинг кесими дейишадиган ва у [кесим] сифатдир, худди "Зайд ёзувчи" иборасидагидек. [Бу иборада] "Зайд" – бу субъект (субстрат), "ёзувчи" (сўзма-сўз маъноси: ёзаётган – Р.Б.) бу кесим маъносидаги предикатдир" [12: 142].

Абу Наср ал-Форобий ўз асарларида мантиқ "тафаккур ҳақидаги илм бўлиб, ёзма ёки оғзаки нутқда ўз аксини топади"[3], деган фикрни қайд қилиш билан бирга Аристотелнинг тафаккур ва тил, мантиқ ва грамматика орасидаги боғлиқлик ғоясини ўз асарида акс эттирса, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бу ғояни янада ривожлантиради.

Иккинчи боб Аристотель "Категориялар"ига бағишланган бўлиб, у қуйидаги сўзлар билан бошланади: "Арастунинг мантиққа оид китобларидан биринчиси "Қотиғуриёс" дейилади. Аммо "Исоғучи"га келсак у Порфирий [китоби] бўлиб, уни мантиққа оид китобларга кириш сифатида тузган. Қотиғуриёснинг маъноси юнон тилида категорияларни ("фикр", "мулоҳаза"ни) англатади. Категориялар ўнта ва [улар] "ал-Қотиғуриёт" дейиладилар" [12: 143]. Сўнгра Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мазкур ўнта – субстанция, миқдор, сифат, муносабат, макон, замон, ҳолат, вазият, ҳаракат, ҳаракатга йўлиқмоқ – категориянинг ҳар бири устида тўхтаб ўтган ва уларни тушуниш борасида ўз муносабатини билдирган.

Учинчи бобда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий "муҳокама"га алоҳида эътибор қаратган ва мазкур бобни тўлиқ ушбу масалага бағишлаган. Тўртинчи боб Аристотелнинг "Биринчи аналитика", бешинчи боб эса –

[1] Бирор ҳодиса ёки ҳолат асосини ташкил этувчи нарса.

[2] Муҳокама предметини, яъни субъектни аниқловчи тушунча.

[3] Ўзбек тилига таржима муаллифники. Қаранг: [2: 62].

“Иккинчи аналитика” асарларига бағишланган. Олтинчи боб – “Топика”, еттинчиси – “Софистика”, саккизинчиси – “Риторика” ва охирги тўққизинчисида – “Поэтика” масалалари кўриб чиқилган. Охирги уч бобда муаллиф силлогизмнинг ҳар бирини Аристотелнинг мантиқ асарлари сифатида зикр этади.

Зикр этилганлардан олимнинг дунёқараши ўша даврда кенг тарқалган Қадимги Юнон фалсафаси ва маданияти, қолаверса Шарқ намоёндалари Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий, Абу Наср ал-Форобий ва Абу Бакр ар-Розий (865–925) таълимотлари асосида шаклланганини кўриш мумкин.

Буларнинг барчасидан Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий қадимги юнон илғор мантиқий анъаналари, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Марказий Осиё фалсафаси материалларидаги ўзига хос, ажойиб ғоялардан фойдаланиб уларни бойитгани ва ривожлантиргани яққол кўриниб турибди.

Фикрларимизни умумлаштирадиган бўлсак, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий мантиқ ва фалсафани талқин қилишда Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али ибн Синога яқин бўлиб, Шарқ перипатетизмининг асосий негизларини тан олиши унинг фалсафий дунёқарашида материалистик йўналишни яна бир бор исботлайди.

Алломанинг бу асари ўз аҳамияти жиҳатидан ва ўрта асрлардаги илмлар ривожланиши тарихига молик камёб манба сифатида давримизнинг кўпгина олимларининг диққат эътиборини ўзига жалб этди. Булар сирасида голландиялик шарқшунос ван Флотен, немис олимлари К.Броккельман, Э.Видеман, Г.Сартон, Ю.Руска, Э.Браун, Карра де Во, Таҳа Боқир, Ҳ.Хадюжам, К.Босворт, Ф.Сезгин, В.Бартольд, И.Крачковский, М.Хайруллаев, У.Каримов, Г.Матвиевская, Ҳ.Ҳасанов, А.Шарипов ва ушбу мақола муаллифини зикр этиш жоиз.

Бунинг барчаси Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ижоди ва асари умуминсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутиши ва унинг ажралмас бўғини эканлигидан далолат бериш билан бир вақтда ўрта аср маданияти ва маънавиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асари,

биринчидан, Шарқда илмлар ривожланиши, илмларни муайян тизимга солиш ва тасниф қилиш босқичларини ўзида акс эттиргани боис маданият тарихини ўрганишда бебаҳо манба эканлиги;

иккинчидан, хоразмлик аллома ўзидан олдин ўтган ўтмишдошлари, хусусан, Эллада олимларининг эришган муваффақиятларини нафақат ўзлаштириб олгани ва баён қилгани, балки илмий тафаккур, жумладан, фалсафа ва мантиқ илмларига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшгани;

учинчидан, унинг X асрда илмлар борасида баён этган фикрлари Шарқ ва Ғарбда илмий тафаккур кейинчалик ривожланишига катта ва ижобий таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдаллах Хорезми // Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент, 1976. С. 93–99.

2. Аль-Фараби, Абу Наср Мухаммад. Логические трактаты. Алма–Ата, 1975.

3. Бахадиров Р.М. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке. Ташкент, 2000.

4. Баходиров Р.М. Сочинение ал-Хорезми “Мафатих ал-улум” как источник по классификации наук // Известия Национального центра археографии и источниковедения. Астана. 2011. № 1.

5. Баходиров Р.М. “Мафатих ал-улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми: Разделы “Логика”, “Медицина” и их значение // Известия Национального центра археографии и источниковедения. Астана. 2012. № 2.

6. Баҳодиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Тошкент, 1995.

7. Баҳодиров Р.М. Илмлар фазилати. Тошкент, 1997.

8. Баҳодиров Р.М. Ўрта асрларда мусулмон Шарқида илмлар таснифи / Маданиятшуносликка оид махсус курс бўйича методик қўлланма. Тошкент, 1999.

9. Баҳодиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг фалсафий қарашлари ва унинг илмлар таснифи масаласига ёндашуви // Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикри тарихида илмий-маърифий ғоялар. Тошкент, 2011.

10. Бахадиров Р.М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва унинг “Мафотиҳ ал-улум” асари. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. “Мафотиҳ ал-улум”дан // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 1-китоб. V–XI асрлар. Тошкент, 2014.

11. Хайруллаев М.М., Бахадиров Р.М. Абу Абдаллах ал-Хорезми. Москва, 1988.

12. Liber Mafatih al-Olum. Auctore Abu Abdallah Mohammed ibn Ahmed ibn Jusof al-Katib al-Khowarezmi / Ed., indices adjecit G.Van Vloten. Lugduni-Batavorum: E.J.Brill, 1895.

Р. Баҳодиров

“Мафотиҳ ал-улум” асарида фалсафа ва мантиқ

Мақолада Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмлар калитлари”) асарида ўрта аср фалсафаси ва мантиқ илмлари баёни ҳамда уларнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси борасида фикр юритилган.

Калит сўзлар. *Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Мафотиҳ ал-улум, назарий фалсафа, амалий фалсафа, материя, борлиқ, олам, перипатетизм, гносеология, мантиқ, категория, силлогизм.*

Р. Бахадиров

Философия и логика в труде “Мафатих ал-улум”

В статье дается обзор изложения Абу Абдаллахом ал-Хоразми средневековой философии и логики в его труде “Мафатих ал-улум” (“Ключи наук”) и вклад самого ученого в развитие этих наук.

Ключевые слова. *Абу Абдаллах ал-Хоразми, Мафатих ал-улум, теоретическая философия, практическая философия, материя, бытие, вселенная, перипатетизм, гноселогия, логика, категория, силлогизм.*

R. Bakhadirov

Philosophy and logic in work “Mafatih al-ulum”

Current article discusses approach of Abu Abdallah al-Khwarazmy to the medieval philosophy and logic in his scholarship “Mafatih al-ulum” (“Keys of the sciences”) and his contribution to the development these sciences.

Key words: *Abu Abdallah al-Khwarizmi, Mafatih al-ulum, theoretical, practical philosophy, matter, being, universe, peripateticism, gnoseology, category, syllogism.*